

**“ШЎРЧИ ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
1-СОН БАЁННОМАСИ**

Сурхондарё вилояти,
Шўрчи тумани, Мустақиллик кўчаси -76 уй.

2024 йил 26-июнь.

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани, Мустақиллик кўчаси 76 уй, “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **8:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **8:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **09:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 3 907 104 дона

“Шўрчи пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2024 йил 27 майдаги 01-01/29 - сонли таклифи инobatга олиниб, Кузатув кенгаши томонидан 2024 йил 29 майдаги қабул қилинган қарорга мувофиқ 2024 йил 26 июнда ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2024 йил 20 июнь.

“Шўрчи пахта тозалаш” АЖ акциядори 2 140 224 дона оддий, яъни 51,0 фоиз акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ номидан Исломов Акмал Хақимович иштирок этмоқда.

А.Исломов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Исломов Акмал Хақимович - “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

2. М.Абдурахмонов “Давр Мезони” МЧЖ директори жамият кузатув кенгаши аъзоси- Йиғилишда раислик қилувчи;

3. Қаюмов Махмуд Маннонович – жамият кузатув кенгаши аъзоси.

Йиғилиш котиби этиб Б.Хасанова – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Б.Хасановага берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2024 йил 20 июнь ҳолатига шакллантирилган “Шўрчи пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 628 та акциядорга тегйшли 3 907 104 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 2 443 872 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 3 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 62,55 фоизни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

1. А.Юлдашев – Жамият Бош директори;

Т.Хўжамшуқуров – жамиятнинг Бош бухгалтер.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2023 йил якуни ва бизнес режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
4. Жамият ташқи аудиторнинг 2023 йил молия-хўжалик якуни бўйича ҳулосасини тасдиқлаш..
5. Жамият кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
7. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
8. 2024 йил молия хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
9. Жамиятнинг 2024 йил учун мўлжалланган бизнес режасини тасдиқлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятнинг муддати ўтган дебитор ва кредиторлик қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.
12. Жамият ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш.
13. Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2024 йил 7 мартдаги 14-сон йиғилиш баёнига асосан активларнинг нархини қадам-бақаддам пасайтириш.
14. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жихатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишининг 2023 йил 31-июлдаги 68-сонли баёни 107-банди ижросини таъминлаш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилишнинг кун тартибидаги 14 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилишини мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

М.Абдурахмонов “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил 29 майдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив

муносабатлар бўйича мутахассиси – Хасанова Бахрин Хушбаковна, Жамият Бош директори Юлдошев Акмал Эргашевич ва “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси Гулямов Нигматулло Кадировичларни киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёклаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;

“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2. Уч кишидан иборат қўидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Хасанова Бахрин Хушбаковна;
- 2) Юлдошев Акмал Эргашевич;
- 3) Гулямов Нигматулло Кадирович.

3. Санок комиссияси аъзоларига бажарган ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида бир йилда бир марта БХМ (базовий ҳисоблаш миқдори)нинг 10 баробари миқдорида рағбатлантирилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича жамият Бош директори А.Юлдошев сўзга чиқиб, 2023 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (*ҳисобот 1-илова қилинади*).

Ҳисоботда, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият Бош директорининг 2023 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директори А.Юлдошевга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов акциядорлардан Бош директорнинг 2023 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёклаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;

“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият Бош директорининг 2023 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов сўзни жамиятнинг Бош бухгалтери Т.Хўжамшукуровга берди. (*Ҳисобот 2-илова қилинади*).

Т.Хўжамшукуров йиғилиш иштирокчиларини 2023 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи билан таништирди.

М.Абдурахмонов ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёклаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича баланси ва молиявий натижалари (2-иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича Т.Хўжамшукуров сўзга чиқиб, “НИМОҲА FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан жамиятнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2024 йил 31 майдаги аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди (*хулоса 3 - илова қилинади*).

“НИМОҲА FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилотларининг хулосаларида “Шўрчи пахта тозалаш” АЖнинг 2023 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов акциядорлардан 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “НИМОҲА FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2023 йил 31 майдаги аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёклаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади.

1. “НИМОҲА FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2024 йил 31 майдаги аудиторлик текшируви хулосаси (3-иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов сўзни А.Исломовга берди, у йиғилиш қатнашчиларига Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (*ҳисобот 4-илова қилинади*).

Ҳисоботга асосан Кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган мажлислар, мажлисларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёклаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи (4-иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича йиғилиш раиси М.Абдурахмонов сўзни жамият Бош бухгалтери Т.Хўжамшукуровга берди.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз 377 688 960 сўм миқдориди тузилади ва 2024 йил 01 январ ҳолатига захира фонди 124 257 900 сўм, яъни устав капиталнинг 4,93 фоизини ташкил этади.

Жамият Уставида захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдориди ажратмалар ўтказилиши белгиланган.

Жамиятда 2023 йил якуни бўйича соф фойда олинмаганлиги, яъни 44 951 000 сўм зарар билан яқунланганлиги эътиборга олиниб, жамиятнинг захира фондига ажратмалар ажратилмаслиги маълум қилинди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддаси 7-хатбошида Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради деб кўрсатилган. Бундан ташқари 32-моддасининг 2-хат бошида Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини коплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланиши белгиланганлиги ҳақида йиғилиш қатнашчиларига гапириб ўтди.

Бундан ташқари, Жамият Уставининг 46-бандида Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкинлиги белгиланган. Шу билан бирқаторда 48-бандида, Имтиёзли акция ўз эгасига ҳар йили бир дона акция номинал қийматининг 15 фоизи миқдориди биринчи навбатда дивиденд олиш ҳуқуқини беради деб кўрсатилган.

- уставга кўра 2023 йил учун акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдориди (акциянинг номинал қиймати 600 сўм* 15% = 90 сўмдан * 289 440 дона) жами 26 049 600 сўмни жамият томонидан чиқарилган 289 440 дона имтиёзли акцияларга дивиденд тўланишига жамиятнинг захира фондидаги маблағ ҳисобидан ажратилиши акциядорларнинг умумий йиғилишига тавсия этилган.

- Эски йиллардан тақсимланмасдан жамғарилган фойда тарикасида қолдирилган 174 141 727 сўм маблағ жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инobatга олиш тавсия этилганлиги маълум қилинди.

Шундан сўнг йиғилиш раиси ушбу масалага бюллетен орқали овоз беришни сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;

“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилади:

1.Жамият Уставининг 46-бандида Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкинлиги белгиланган. Шу билан бирқаторда 48-бандида, Имтиёзли акция ўз эгасига ҳар йили бир дона акция номинал қийматининг 15 фоизи миқдориди биринчи навбатда дивиденд олиш ҳуқуқини берилиши инobatга олинсин.

2.Жамият Уставига кўра 2023 йил учун акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдориди (акциянинг номинал қиймати 600 сўм* 15% = 90 сўмдан * 289 440 дона) жами 26 049 600 сўмни жамият томонидан чиқарилган 289 440 дона имтиёзли акцияларга дивиденд тўланишига жамиятнинг захира фондидаги маблағ ҳисобидан ажратилсин.

3. Имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган 26 049 600 сўм миқдордаги дивидендлар мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида тўлансин.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 26 июнь 2024 йил.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни тугатиш санаси: 26 август 2024 йил.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар белгиланган тартибда ва юқорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.

4. Эски йиллардан тақсимланмасдан жамғарилган фойда тариқасида қолдирилган 174 141 727 сўм маблағ жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олинсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов сўзга чиқиб, жамият Бош директори А.Юлдашев билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга узайтириш масаласи бўйича йиғилиш қатнашчиларига ўз фикрларини билдириб, Юлдашев Акмал Эргашевични жамиятнинг навбатдаги йиғилишига қадар ўз вазифасида қолдириш бўйича таклиф киритди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Муҳокамадан кейин, кун тартибидаги еттинчи масала овозга қўйилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ Бош директори Юлдошев Акмал Эргашевич билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2024 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилсин.

2. Жамият номидан Бош директор А.Юлдошев билан меҳнат шартномасини (шартномани амал қилиш муддати – 2024 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишигача) имзолаш ваколати Кузатов кенгаши раисига берилсин.

3. Жамият Бош директори А.Юлдошевга:

-ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ваколат ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин;

-“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш “Лойиха офиси” ҳамда “Сурхондарёпахтасаноат” ҚАБ АЖ томонидан бажарилиши белгиланган буйруқ ва топшириқларни ўз вақтида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича жамиятнинг Бош бухгалтери Т.Хўжамшукуров сўзга чиқиб, жамиятда 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган куйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*Тижорат таклифлар 5-илова қилинади*).

T/p	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Аудиторлик текшируви учун таклиф қилинган нарх (минг сўм)
1	“GREAT FOURS” МЧЖ	16.04.2024 й. №63\2	4000,0
2	МЧЖ “НІМОҲА FAIR”	19.04.2024 й. №3/24 СФТТ	3900,0
3	”HOMBUR-AUDIT” МЧЖШ	21.05.2024 й. №57	10 000,0
4	”NEWGLOBALPROPESSIONAL-AUDIT” МЧЖШ	21.05.2024 й. №69	8 500,0

Муҳокама давомида жамият акциядори Ў.Қиличов жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташки аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов акциядорларидан 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“GREAT FOURS” МЧЖ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ, “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;

“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” – йўқ.

“НІМОҲА FAIR” МЧЖ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;

“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

”HOMBUR-AUDIT” МЧЖШ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ, “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;

“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” – йўқ.

”NEWGLOBALPROPESSIONAL-AUDIT” МЧЖШ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ, “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;

“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” – йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2024 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун “НІМОҲА FAIR” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори 3 900 000 сўм белгилансин;

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича жамият Бош бухгалтери Т.Хўжамшукуровга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2024 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (*Бизнес-режа 6-илова қилинади*).

Йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахманов акциядорлардан жамиятнинг 2024 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;

“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2024 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси (6-иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 2 140 224 дона акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ ва жамиятнинг 302 880 дона акция эгаси Базарбаева Нигора томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Исломов Акмал Хакимович – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

Кучкаров Тохир Мўминджанович – “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Лойиха офиси” Бош ҳисобчиси;

Қиличов Ўктам Менгнарлович - “Сурхондарёпахтасаноат” тугатиш комиссияси аъзоси;

Қурбанов Шамситилла Аллаевич “Сурхондарёпахтасаноат” тугатиш комиссияси аъзоси;

Халбаев Тўрамурод Жайловович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси Бошлиғи ўринбосари;

Базарбаева Нигора Рахимджановна томонидан номзод сифатида

Абдурахмонов Мухиддин Рахматуллаевич – “Давр мезони “ МЧЖ директори;

Исломов Акмал Хакимович – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

Қаюмов Махмуд Маннонович - Сурхондарё " Депозитарий ВАКТ" МЧЖ, директори, номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Мухокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Исломов Акмал Хакимовичга:

“Ёқлаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;

“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кучкаров Тохир Мўминджановичга:

“Ёклаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Қиличов Ўктам Менгнароровичга:

“Ёклаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Қурбанов Шамситилла Аллаевичга:

“Ёклаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Халбаев Тўрамурад Жайловоичга:

“Ёклаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Базарбаева Нигора Раҳимжоновна томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Абдурахмонов Муҳиддин Раҳматуллаевичга:

“Ёклаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Қаюмов Махмуд Манноновичга:

“Ёклаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Исломов Акмал Ҳакимович – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ, тугатиш комиссияси раиси;

2. Кучкаров Тохир Мўминджанович - “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Лойиҳа офиси”, Бош ҳисобчиси;

3. Қиличов Ўктам Менгнарорович - “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ, тугатиш комиссияси аъзоси;

4. Қурбанов Шамситилла Аллаевич - “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ, тугатиш комиссияси аъзоси;

5. Халбаев Тўрамурад Жайловоич - Давлат активларини бошқариш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Базарбаева Нигора Раҳимжоновна томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Абдурахмонов Муҳиддин Раҳматуллаевич – “Давр мезони” МЧЖ директори;

2. Қаюмов Махмуд Маннонович - Сурхондарё "Депозитарий ВАКТ" МЧЖ директори.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича жамиятнинг Бош бухгалтери Т.Хўжамшукуров сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари бўйича қарздорлик таҳлилини ўтказувчи ишчи-гуруҳи томонидан тасдиқланган ҳулосасига асосан қонунчиликда белгиланган 2024 йил 1 январь ҳолатига даъво муддати ўтган 49 989,0 минг; сўм дебитор ва 29 315,0 минг сўм кредитор қарздорлиги мавжуд эканлигини маълум қилди (*Д/т ва К/т қарздорлик 7-илова*).

Ушбу муддати ўтган дебитор ва кредитор қарздорликларини ҳисобдан чиқариш ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритишни ҳамда тасдиқлатишларини сўради.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамиятнинг 2023 йилдаги дебитор ва кредитор қарздорликлари (7-иловага мувофиқ) ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия хужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов сўзни А.Исломовга берди. У ўзининг маърузасида “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Лойиха офисининг 2023 йил 22 майдаги SX-09/320-сонли хати билан тизимдаги пахта тозалаш акциядорлик жамиятлари ижро органи ходимларининг штатлар жадвали лойихаси тавсия сифатида юборилганлиги ҳамда ушбу хат билан йиғилиш қатнашчиларини батафсил таништириб ўтди (8-илова).

Юқоридагиларни инobatга олиб, ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари

“Ёқлаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибида ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамият ходимларининг штатлар жадвали (8-иловага мувофиқ) тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича А.Исломов сўзга чиқиб Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2024 йил 7 мартдаги 14-сон йиғилиш баёнига асосан активларнинг нархини кадам-бакадам пасайтириш мажлис баёнининг ижросини таъминлаш мақсадида юборилган хати билан йиғилиш қатнашчиларини батафсил таништириб ўтди (9-илова).

Юқоридагиларни инobatга олиб ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 443 872 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибида ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлатириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2024 йил 7 мартдаги 14-сон йиғи-

лиш баёнига асосан активларнинг нархини қадам бақадам пасайтириш мажлис баёнининг ижроси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи М.Абдурахмонов сўзни А.Исломовга берди. У йиғилиш қатнашчиларига Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жихатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишининг 2023 йил 31-июлдаги 68-сонли баёни ҳамда дахлдор бўлган 107-банди мазмуни билан йиғилиш қатнашчиларини батафсил таништириб ўтди (9-илова).

Унда, “Денов Текстиль Кластер” МЧЖ фаолиятини куллаб-қувватлаш ҳамда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини инобатга олиб 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан берилган “Шўрчи пахта тозалаш” АЖга қарашли “Миршоди” пахта тайёрлов масканининг асбоб-ускуналари учун тўлов графикларини 2026-йил декабрдан бошлаб 2 йил жами 7 йил муддатга қолдиқ қарздорликни тенг тақсимлаб узайтиришда амалий ёрдам бериш масаласи қўйилган. Шунингдек ушбу масалани ечиш бўйича корхона раҳбарияти билан ўрганиб бевосита муҳокама қилиш ва “Денов Текстиль Кластер” МЧЖга 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан берилган. “Шўрчи пахта тозалаш” АЖ учун тўлов графикларини узайтириш масаласини белгиланган тартибда қўриб чиқиш таклиф қилинганлиги ҳақида маълум қилинди.

Қўшимча равишда сўзга чиққан жамият Бош директори А.Юлдашев “Денов Текстиль Кластер” МЧЖ билан тузилган олди-сотди шартноманинг муддати 30 декабрь 2026 йилга қадар эканлигини эътироф этди.

Ушбу масала йиғилиш қатнашчилари томонидан муҳокама қилинди.

Йиғилиш раиси М.Абдурахмонов ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёклаганлар” – йўқ; “Қаршилар” - 2 443 872 та овоз; “Бетарафлар” – йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибида ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жихатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишининг 2023 йил 31-июлдаги 68-сонли баёнида берилган таклиф (9-иловага мувофиқ) маълумот учун қабул қилинсин.

2.“Шўрчи пахта тозалаш” АЖ ва “Денов Текстиль Кластер” МЧЖ ўртасида 2019 йил октябрда тузилган 03-сонли олди-сотди шартномасини муддатини 2 йилга узайтириш рад этилсин.

Йиғилишда раислик қилувчи:  М.Абдурахманов.

Йиғилиш котиби:  Б.Хасанова

Йиғилиш баённомаси 2024 йил 5 июль куни икки нусхада тузилди.